

Зулҳижжанинг ўн куни фазилати



05:11 / 14.08.2018 6204

Аллоҳ таоло Каломи мажидида: **“Тонгга қасам, ўн кечага қасам...”** деган (Фажр, 1-, 2).

Саҳиҳ қавлларга кўра, оятдаги ўн кечадан мурод зулҳижжа ойининг аввалги ўн кечасидир.

Оятда мазкур ойнинг ўн кечаси билан қасам ичилиши ўша кечаларнинг қадри баланд эканидан дарак беради.

Зулҳижжанинг аввалги ўн кунлиги фазилати ҳақида ҳадисларда ҳам алоҳида таъкидланган.

لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهَا كُفْرًا وَهِيَ كَانَتْ عَذْرَاءً طَاهِرَةً
لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهَا كُفْرًا وَهِيَ كَانَتْ عَذْرَاءً طَاهِرَةً
وَسَوْفَ نَبْتَلُكُمْ فِى الْحَيَاةِ الدُّنْيَا ثُمَّ يُوَفَّى كُلُّ الْفِعْلِ أَجْرَهُ
وَسَوْفَ نَبْتَلُكُمْ فِى الْحَيَاةِ الدُّنْيَا ثُمَّ يُوَفَّى كُلُّ الْفِعْلِ أَجْرَهُ

يَذْمُرُ تَلَاوُهُ لَطْفٌ لِلْأَوْدَادِ وَبَأْوِي رَاحُ بَلْبِ الْهَوَاوِرِ عِيَّ شَبَّكَ لَدَنْ مَعْجَرِي مَلَفِ هَلَامٍ وَ
دَمَحْ أَوْ هَجَامٌ نَبَاوِي مَرَادِلِ أَوْ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ учун ушбу ўн кунликда қилинадиган солиҳ амаллардан кўра севимлироқ амал йўқдир”, дедилар. Шунда: “Эй Расулulloҳ, Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилиш ҳамми?” деб сўралди. У зот: “Ҳа, Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилиш ҳам. Фақат бир киши ўз жони ва моли билан чиқиб, ундан бирон нарчасиз қайтиб келса, бундан мустасно”, дедилар”** (Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Доримий, Ибн Можа ва Аҳмад ривояти. Ривоят лафзи Абу Довудга тегишли).

Ҳадисдаги “ўн кунлик” зулҳижжа ойининг ўн кунлигидир. Бу нарса бошқа ривоятларда аниқ айтилган. Жумладан, Ибн Ҳиббон ва Абу Авона келтирган ривоятда “Аллоҳ даргоҳида зулҳижжанинг ўн кунидан афзал кунлар йўқ”, дейилган.

Бу ўн кунликда солиҳ амалларга тарғиб қилинишидан мақсад шуки, ундаги амаллар Аллоҳ учун энг севимли саналади. Бунинг ҳикмати ва сабаби ёлғиз Аллоҳгагина маълум. Бандалар буюрилган ишни адо қилишлари билан кўп мукофот ва савобларга эришадилар. Биз Зулҳижжанинг аввалги ўн кунлиги афзал кўрилишидан кўзланган ҳикмат борасида шуни айтамикки, ўша кунларда ҳожилар ҳаж амалларини бажараётган бўладилар, кунларнинг энг улуғи Арафа ва Қурбон ҳайити ҳам айнан шу ўн кунлик ичидадир. Шу сабаб бу вақтда қилинган амаллар Аллоҳ учун энг маҳбуб саналади.

مَائِي لَضْفَا: لِقَامٌ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلُ الْعَلَلِ لِيَصْرَهَ لَلْأَوْسَرِ نَأْنَعُ هَلَلِ الْيَضْرَبِ رِبَاجٍ نَعَوُ
حَحْ صُ هَدَنَسَ وَرَارَبِ الْهَوَاوِرِ عَجَّ لِي ذَرْشَعِ يَنْعِي رُشَعُ الْإِيْنُ دَلِ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: **“Дунё кунларининг энг афзали ўн кунлик** (яъни зулҳижжанинг ўн куни)**дир”** (Баззор ривояти. Ривоят санади саҳиҳ).

Уламолар зулҳижжанинг ўн кунлиги афзалми ёки рамазоннинг охириги ўн кунлиги афзалми, деган масалада ихтилоф қилишган. Аллома Ибн Қаййим бу борада қуйидаги фикрни билдирган: “Рамазоннинг охириги ўнлигининг тунлари зулҳижжанинг аввалги ўн кечасидан афзалдир. Зулҳижжанинг аввалги ўн куни рамазоннинг охириги ўн кунидан афзалдир. Арафа ва

Демак, зулҳижжанинг бу фазилатли кун ва тунларини ғанимат билиб, улардан оқилона фойдалансак, охиратимиз учун чексиз ва қимматли захира тўплаб, қиёмат куни мезонимиз оғир бўлишига сабаб амалларни бажарган бўламиз.

манба:muslim.uz